

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ НАРЗИЛЛО ИСТАМОВИЧ

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.03 - Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Рустамов Нарзилло Истамович

Саноат тармоқларини ички имкониятларидан самарали фойдаланиш
асосида ривожлантириш 3

Рустамов Нарзилло Истамович

Развитие отраслей промышленности на основе эффективного
использования внутренних возможностей 25

Rustamov Narzillo Istamovich

The development of industries based on the effective use of internal
opportunities 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ НАРЗИЛЛО ИСТАМОВИЧ

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.03 - Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Iqt230 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Носир Махмудович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ортиқова Дилором Абдурахимовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Хошимова Наима Абитовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс (99871) 239-43-51; e-mail tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.Т. Салимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида саноатни ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,1 фоизни, саноати ривожланган мамлакатларда 20,4 фоизни, саноати ривожланаётган мамлакатларда 22,1 фоизни, саноати қуйи ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда 12,3 фоизни ташкил этмоқда¹. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиётини саноат тармоқлари таъминлаб бериб, айнан саноат иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги билан фарқланади.

Жаҳонда саноат тармоқларининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, саноат тармоқларида энергия сарфини камайтириш, қайта ишловчи тармоқларнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда бандликнинг ошишини таъминлаш, жаҳон саноати таркибини фан-техниканинг улуши юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобидан кенгайтириш, саноатда инновациялар ва янги билимлардан кенг кўламда фойдаланиш, унда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноат тармоқларининг кластерларини яратиш каби йўналишларда кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилнинг якунларига кўра мамлакатимизда мазкур тармоқнинг қўшилган қиймати 4,6 фоизга ўсди, унинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 26,7 фоизга тенг бўлди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2016 йилгига нисбатан 107,0 фоизни ташкил этди². 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиёт таркибида саноатнинг улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни модернизация ва диверсификация қилиш»³ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда саноат тармоқларини ривожлантиришда мавжуд ички имкониятлардан янада самарали фойдаланишни талаб этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, саноат тармоқларининг ички имконият ва захираларидан янада кенгроқ фойдаланиш асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсифика-

¹ UNIDO. Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria. 2017. pp. 201-205.

² Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 январь-декабрь. Тошкент, 2018. 16, 37 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

циялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сон ва 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув трикотааж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон фармонлари, 2015 йил 11 февралдаги «2015 - 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2298-сон, 2017 йил 29 мартдаги ««Ўзбекипаксаноат» Уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856-сон, 2018 йил 20 августдаги «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3910-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тадқиқотнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат тармоқларининг ривожланиши ва уларда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари хорижлик олимлардан А. Lavopa, К. Ding, Н. Chang, Дж. Гибсон, Т. Berry, В. Лapidус ва бошқаларнинг⁴ илмий ишларида ёритиб берилган.

МДХ мамлакатларининг олимларидан И. Радионова, В. Видяпина, Г. Латфуллин, В. Грузинов, Л. Басовский ва бошқаларнинг⁵ асарлари ҳамда илмий ишларида мазкур тадқиқот йўналишига доир масалалар атрофлича ўрганилган.

Саноат тармоқларини ривожлантириш ва унда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш муаммолари мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан С. Фуломов, И. Искандеров, Қ. Абдурахмонов, Б. Ходиев, А. Ортиқов, Э. Махмудов, А. Юсупов, А. Қодиров, Н. Махмудов⁶ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

⁴ Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series, 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology; Ding K., Jiang P., Zheng M. Environmental and economic sustainability - aware resource service scheduling for industrial product service systems. Journal of intelligent manufacturing, aug. 2017; Chang H.J., Lin J. Should Industrial Policy in Developing Countries conform Comparative Advantage or Defy it? A debate between Justin Lin and Ha-Joon Chang // Development Policy Review, 2009. No. 27(5), 28; Гибсон Дж. и др. Организации: поведение, структура, процессы. / Дж. Гибсон, Д. М. Иванцевич, Д. Х. Донелли. - М., 2004. С.28, Berry T. The Plan-as-You-Go Business Plan. Entrepreneur Press, – 2008; Лapidус В.А. Всеобщее качество (TQM) в компаниях. М.: Новости, 2000.С.303.

⁵ Радионова И.А. Мировая промышленность: структурные сдвиги и тенденции развития. Монография. – М.: ГОУВПОМГУЛ, 2009; Видяпина В. И. Эффективность национальной экономики./ В.И.Видяпина.- М., 2006; Латфуллин Г.Р., Райченко А.В. Теория организации: Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2004; Грузинов В.П., Грибов В.Д. Экономика предприятия. М.: Финансы и статистика, 2001; Басовский Л. Е. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. М.: Инфра-М., 2009.

⁶ Гулямов С.С. и др. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. //Т.:Ўқитувчи, 1995; Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқ. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. //Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004; Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. //Т.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004; Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещение, приоритетные направления развития. -Т.: Иқтисодиёт, 2013; Юсупов А.Т. Развитие и размещение производства товаров народного потребления в Узбекистане. - Т.: Мехнат, 1991; Қодиров А.М. ва бошқ. Хўжалик юриштирининг янги шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари ва асарлари, концептуал қарашлари муҳим илмий ҳамда услубий манба ҳисобланади. Айтиш пайтда мамлакатимиздаги вазият, мавжуд салоҳият ва ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, саноат тармоғини ривожлантиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш муаммоси ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-15-сон «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат тармоқларини ривожлантиришда уларнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

саноат тармоқларини ривожлантиришга ички омиллардан самарали фойдаланишнинг таъсирини илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

енгил саноат тармоғида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш имконини берувчи енгил саноат корхоналарида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели»ни ишлаб чиқиш;

Бухоро вилоятида саноат тармоқларининг самарадорлик даражасини баҳолаш;

саноат корхоналарида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ипакчилик саноати корхоналарида технологияларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ипакчилик тармоғида хомашё етиштириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ишловчилар турмуш даражаси ошишини баҳолаш;

ипакчилик тармоғи корхоналарининг инновацион гуруҳларини тузиш ва тармоқни инновацион ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Бухоро вилоятидаги саноат тармоқлари, жумладан, вилоятдаги ипакчилик ва енгил саноат тармоқларининг ички имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети саноат тармоқларини ривожлантиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув, таркибий ва қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш,

//Т.:ТДИУ, 1995; Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: Иқтисодиёт, 2017.

иктисодий таққослаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, шунингдек, эмпирик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналарининг самарадорлиги ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели» ишловчиларнинг тадбиркорлик қобилияти, инновациялар, капитал ва ахборот каби ички ресурсларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

ипакчилик тармоғида «хомашё сифатини назорат қилувчи тизим» доирасида «корхона - уй хўжаликлари ҳамкорлиги»ни ривожлантириш орқали SADT (Structured Analysis and Design Technique) услубиёти такомиллаштирилган;

ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида саноат корхоналари самарадорлигининг ошиши, давлат оладиган самаранинг ўсиши, ишловчиларнинг даромадлари кўпайиши ва турмуш даражаси ошиши жараёнларини ифодаловчи ҳамда уларни умумлаштирувчи функциялар ишлаб чиқилган;

ипакчилик корхоналарининг инновацион гуруҳлари шакллантирилиб, инновацион гуруҳлар фаолиятидаги «занжирли боғлиқликларни узадиган» корхоналар аниқланган ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналарида ишловчилар томонидан доимий равишда инновацияларни киритиш тизими жорий этилган;

ипакчилик тармоғида оилавий меҳнат жараёнларида пилла хомашёсини етиштирувчилар билан янги меҳнат шартномаларини тузиш йўлга қўйилган;

саноат корхоналарида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини доимий ҳисоблаб бориш тизими йўлга қўйилган;

ипакчилик тармоғи корхоналарининг инновацион гуруҳи ташкил этилган ва уларни инновацион ривожлантириш тадбирлари амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги республика саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат корхоналарида самарадорликни ошириш, унда ички имкониятлардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни самарали амалга ошириш бўйича таклиф этилган услубий ёндашувлар, моделлар, функциялар ва коэффициентлар тармоқ корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилиши, саноат корхоналарида ички имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини доимий таҳлил қилиб бориш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти саноат корхоналари самарадорлигини ошириш, саноат тармоғида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилиши саноат тармоғини ривожлантиришга хизмат қилиши, саноат корхоналарида инновацияларни киритиш тизими жорий

этилиши, пилла етиштирувчилар билан янги меҳнат шартномалари тузилиши, ипакчилик тармоғи корхоналарининг инновацион гуруҳи ташкил этилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари «Саноат иқтисодиёти» ва «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш» фанларидан ўқув қўлланмалар тайёрлашга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат тармоғини ривожлантиришда ички имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

енгил саноат корхоналарининг самарадорлиги ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели»ни ишловчиларнинг тадбиркорлик қобилияти, инновациялар, капитал ва ахборот каби ички ресурсларини киритиш орқали такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилоятидаги корхоналар фаолиятида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 1 июндаги ДМ-189 - сон маълумотномаси). Таклиф этилган илмий янгиликлар натижасида «Deluxe Fabric» ва «RUSHAN TEKS» корхоналарида самарадорлик кўрсаткичи 15 фоиз ошишига эришилган;

ипакчилик тармоғида «хомашё сифатини назорат қилувчи тизим» доирасида «корхона - уй хўжаликлари ҳамкорлиги»ни ривожлантириш орқали SADT услубиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилоятидаги корхоналарнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 10 апрелдаги БШ-02-18/585-сон маълумотномаси). Хомашё сифатини назорат қилувчи тизимни жорий этиш натижасида «Bukhara Brilliant Silk» қўшма корхонасида бир йилда 1 млрд.сўмлик, вилоятдаги бошқа ипакчилик корхоналарида 1,42 млрд. сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган;

ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида саноат корхоналари самарадорлигининг ошиши, давлат оладиган самаранинг ўсиши, ишловчиларнинг даромадлари кўпайиши ва турмуш даражаси ошиши жараёнларини ифодаловчи ҳамда уларни умумлаштирувчи функциялар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилоятидаги енгил саноат корхоналари фаолиятига қўлланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 1 июндаги ДМ-189-сон маълумотномаси). Таклиф этилган илмий янгиликни «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилоятидаги корхоналар фаолиятига қўлланилиши натижасида енгил саноат корхоналарини ривожлантириш омиллари аниқланган, ишлаб чиқилган функциялардан фойдаланиб, Бухоро вилоятида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогнозлари ишлаб чиқилган;

ипакчилик корхоналарининг инновацион гуруҳлари шакллантирилиб, инновацион гуруҳлар фаолиятидаги «занжирли боғлиқликларни узадиган» корхоналарни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2018 йил 10 апрелдаги БШ-02-18/585-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш натижасида Бухоро вилоятидаги ипакчилик корхоналарининг инновацион

гуруҳи ташкил этилган ва ундаги «занжирли боғлиқликларни узадиган» корхоналар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шундан 1 та монография, 7 та маҳаллий журналларда, 4 та халқаро журналларда мақола, 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат тармоқларини ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида саноат тармоғини ривожлантириш йўллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, енгил саноат корхоналарида ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели», саноат корхоналарида ички имкониятларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан тавсифланган.

Саноат – бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига муҳим ҳисса қўшиб келаётган етакчи тармоқ, иқтисодиётнинг мазкур тармоғи юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлгани ҳолда унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Зеро, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга саноат тармоғи улкан ҳисса қўшмоқда.


Ўзбекистонда саноат тармоқларининг жадал ривожланиши соҳада кўплаб янги корхоналарни ташкил этиш, тармоқда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, саноатни диверсификациялаш тадбирларини олиб бориш натижасида таъминланмоқда.

Муаллифнинг фикрига кўра, иқтисодий самарадорлик – саноатни ривожлантиришнинг объектив қонунияти бўлиб, самарадорликни ошириш ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан бевосита боғлиқ.

Саноат тармоқларининг барқарор ривожланиши ички имкониятларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг сафарбар этиш, корхоналарда замонавий технология ва иновациялардан самарали фойдаланиш натижасида рўй беради. Саноат ишлаб чиқаришини самарали амалга ошириш учун тармоқнинг ички имкониятларидан (мавжуд хомашё ресурслари захираси, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш технологиялари, молиявий ресурслар ва бошқалар) унумли фойдаланиш талаб этилади.

Ички имкониятлар – саноат тармоқларини ривожлантиришнинг манбаи бўлиб, муаллифнинг фикрига кўра, улар саноат тармоқларининг келажакда ривожланиш салоҳиятини белгилаб беради, мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш саноат тараққиётини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида, иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёнида саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг йўлга қўйилиши билан улардаги меҳнат фаолияти ҳамда ишловчиларнинг турмуш даражаси кўрсаткичлари ўзаро чамбарчас боғланиб кетмоқда. Одатга кўра, саноат корхоналарида ишчилар бориб ишлаб, оиласига даромад келтириши керак. Оилада эса топилган даромад истеъмол қилиниши лозим. Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожланиб бориши билан саноат корхоналаридаги меҳнат жараёнлари хонадонларга кўчмоқда. Бу ҳолат саноатни ривожлантиришда ишловчиларнинг уй хўжаликларидаги ички имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади (1- расм).




1-расм. Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ривожланиши билан ишловчиларнинг уй хўжаликларидаги омилларнинг ўзаро боғланиши⁷

Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожланиши билан ишловчиларнинг уй хўжаликларидаги омилларнинг ўзаро боғланиши ипакчилик тармоғида пилла хомашёсини етиштириш жараёнида ҳам кенг

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қўлланилади. Ипакчилик тармоғида пилла етиштирувчиларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида улар билан тузиладиган шартномаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Янги меҳнат шартномалари тузишда пилла етиштиришда ишловчилар оиласининг барча аъзолари қатнашиши, уларнинг ёши, иш вақти, уй хўжаликларининг асосий воситалари ва инвентарларидан фойдаланилиши, пилла етиштирувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат корхоналарида ишловчиларнинг манфаатдорлигини оширишга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ёндашилса, уни оширишнинг асосий омили ишловчиларнинг ўзларида мавжуд бўлган ички омилларидан самарали фойдаланиши ҳисобланади. Мазкур ҳолат муаллиф томонидан енгил саноат корхоналарида ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели»ни ишлаб чиқиш орқали ўрганилди (2-расм).



2-расм. Енгил саноат корхоналарида ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели»⁸

«Айланма ҳаракат модели»даги рақамлар қуйидагиларни ифода қилади:
 1. Меҳнат, ишчи кучи. 2. Тадбиркорлик қобилияти ва инновациялар. 3. Капитал (қимматли қоғозлар сотиб олиш, устав фондиди шакллантириш). 4. Ахборот. 5. Моддий ресурслар (хомашё ва материаллар). 6. Иш ҳақи. 7. Дивиденд. 8. Фойда. 9. Тайёр маҳсулот. 10. Товарлар. 11. Инвестиция. 12. Солиқлар. 13. Жамғарма қўйилмалари. 14. Кредитлар. 15. Фоиз кўринишида олинadиган даромад. 16. Трансфер тўловлари. 17. Субсидиялар.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур модель енгил саноат корхоналарида ишловчиларнинг ўзларида мавжуд бўлган ички ресурсларидан самарали фойдаланиши, уларнинг бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқаларини ўрганиш учун ишлаб чиқилди. У енгил саноатни ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва ишловчилар томонидан корхоналарга киритилиши зарур бўлган ички ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганини асослаб беришга хизмат қилди.

Енгил саноат корхоналарида ички имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ишловчилар манфаатдорлигини оширишнинг «айланма ҳаракат модели» асосида Бухоро вилоятидаги енгил саноат корхоналарининг ички имкониятлардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан моделдаги «тор жой»лар сифатида қуйидагилар кўрсатилди:

енгил саноат корхоналарига ишловчилар томонидан киритиладиган ресурс фақат «меҳнат» деган тушунча ҳалигача устувор ҳисобланади, ишловчиларнинг корхоналар фаолият юритиши учун зарур бўлган капитал маблағларни киритиши, қимматли қоғозларни сотиб олиши, корхоналар устав фондини шакллантиришдаги иштироки юқори даражада эмас;

енгил саноат корхоналарида ишловчилар тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқариш жараёнларига тўлиқ жорий этолмаяпти;

ишловчилар саноат ишлаб чиқариш жараёнларига инновациялар, янги ахборотлар, ноу-хауларни кенг қўламда кирита олмаяпти;

енгил саноат соҳасида ишловчилар ўзларида мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланмаганлиги сабабли, тармоқнинг катта миқдордаги моддий ресурси, яъни пахта хом ашёси ташқи бозорларга чиқиб кетди;

енгил саноат корхоналари ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқара олмаслиги, шунингдек ички бозорни ҳам сифатли тайёр маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлай олмаслиги сабабли ички бозорга ташқи бозорлардан катта миқдордаги тайёр енгил саноат маҳсулотлари импорт қилинмоқда;

ишловчилар ўзларида мавжуд ички имкониятларни корхоналарга тўлиқ кирита олмаётганликлари сабабли, уларнинг оладиган даромадлари ва манфаатдорлик даражаси ҳам пастлигича қолмоқда;

аҳоли томонидан енгил саноат маҳсулотлари сотиб олишга сарфланган пул харажатларининг катта қисми ташқи бозорга чиқиб кетмоқда.

Тадқиқот ишида саноат корхоналарида ишловчиларнинг ички имкониятилардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш мақсадида меҳнат унумдорлиги ошиши ва иш ҳақи ўсиши ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди (МУИХ). Иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига боғлиқлик коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди (1):⁹

$$K_{\text{МУИХ}} = \frac{\Delta W}{\Delta E_L}, \quad (1)$$

бунда, $K_{\text{МУИХ}}$ - иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига боғлиқлиги коэффиценти; ΔW - иш ҳақининг ўзгариши, фоиз; ΔE_L - меҳнат унумдорлигининг ўзгариши, фоиз.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига боғлиқлик коэффиценти меҳнат унумдорлиги бир фоиз ошганда иш ҳақи неча фоизга ошиши мумкинлигини билдиради, ундан фойдаланиб саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни ҳисоблаб боришни йўлга қўйиш ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошиб боришига мос равишда улар оладиган иш ҳақининг миқдори ўсиб боришини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Бухоро вилоятида саноат тармоқларининг ички имкониятларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида вилоятда саноат тармоғининг ривожланиш тенденцияси ва устувор йўналишлари, саноатнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ички имкониятлардан фойдаланишга боғлиқлиги, саноат корхоналари самарадорлигининг ишловчилар даромади билан кесишган эластиклик коэффиценти, ипакчилик саноати тармоғи мисолида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Диссертация ишида Бухоро вилоятининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар: вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиши, саноат маҳсулотларини вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги ва вилоят саноатининг республика саноатидаги улуши баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида саноат ривожланишининг умумий кўрсаткичлари¹⁰

Кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	Йиллар					2017 й. 2013 й.га нисбатан ўзг-ши, %
	2013	2014	2015	2016	2017	
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ), млрд.сўм	6843,6	8090,7	9488,4	10924,4	12238,9	178,8
ЯХМнинг ўсиш суръати, фоиз	108,0	108,2	107,5	107,9	101,7	- 6,3 п.
Саноат маҳсулотларининг ҳажми, млрд. сўм	3073,9	3972,6	5143,9	5569,6	6353,1	206,6
Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоиз	110,3	109,6	111,3	106,5	100,8	- 9,5 п.
ЯХМ таркибида саноатнинг улуши, фоиз	24,0	27,0	30,0	29,0	30,0	+ 6,0 п.
Вилоят саноатининг республика саноатидаги улуши, фоиз	4,4	4,7	5,3	5,0	4,4	-

Бухоро вилоятида 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 2013 йилдаги 108,0 фоиздан 2017 йилда 101,7 фоизга ва саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати 2013 йилдаги 110,3 фоиздан 2017 йилда 100,8 фоизга пасайган. Бу ялпи ҳудудий маҳсулот ва унинг таркибий тузилишини ҳисоблаш услубиёти ўзгартирилиши натижасида рўй берган.

¹⁰ Бухоро вилоят статистика Бошқармасининг маълумотлари.

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарининг ички имкониятларидан фойдаланиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич сифатида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархининг таркиби ўрганилди (2-жадвал).


2 - жадвал

Бухоро вилояти саноат тармоғида ишлаб чиқариш таннархининг таркиби¹¹ (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2017 й. 2013 й.га нисбатан ўзг-ши, пункт
	2013	2014	2015	2016	2017	
Жами харажатлар:	100	100	100	100	100	-
- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари	79,0	79,7	77,5	74,4	72,6	- 6,4 п.
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	8,4	8,6	9,0	9,1	9,3	+ 0,9 п.
- ижтимоий суғуртага ажратмалар	2,1	2,1	2,2	2,2	2,2	+0,1 п.
- асосий воситаларнинг амортизацияси	5,8	5,6	6,8	6,9	8,3	+2,5 п.
- бошқа харажатлар	4,7	4,0	4,5	7,4	7,6	+2,9 п.

Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари таннархининг таркибида моддий харажатларнинг улуши 2013 йилдаги 79,0 фоиздан 2017 йилда 72,6 фоизга камайиши, иш ҳақи, амортизация ва бошқа харажатларнинг улуши ошиб бориши, ишлаб чиқаришда номоддий харажатларнинг улуши ўсаётгани ва бунга эришиш учун тармоқ корхоналарида етарлича ички имкониятлар мавжудлигини билдиради.

Саноат корхоналари самарадорлигини ифодалашда маҳсулот сотишдан тушум ва ишлаб чиқариш харажатларининг нисбати баҳоланди (3- расм).



3-расм. Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида маҳсулот сотишдан тушум ва ишлаб чиқариш харажатларининг нисбати (млрд.сўм)¹²

¹¹ Бухоро вилоят статистика Бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹² Бухоро вилоят статистика Бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Саноат корхоналарида маҳсулот сотишдан тушум ва ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ 2013 йилдаги 1105,1 млрд. сўмдан 2017 йилда 2394,3 млрд.сўмга ошиши вилоят саноатида самарадорлик ошиб, фойданинг кўпайиб бораётганини билдиради.

Саноат корхоналарида ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳолати иқтисодий ресурслар билан боғлаб ўрганилиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари 3-жадвал ёрдамида ўрганилди.

3- жадвал

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари¹³

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	3073,9	3972,6	5143,9	5569,6	6353,1
Ишловчилар, минг киши	27,0	28,7	30,4	31,6	32,3
Мехнат унумдорлиги, млн. сўм	113,4	138,4	169,2	176,3	196,7
Мехнат сиғими, киши	0,88	0,72	0,59	0,56	0,51
Асосий фондларнинг қиймати, млрд.сўм	2127,6	2268,5	2320,5	2486,8	2687,8
Фонд қайтими (самараси), сўм	1,44	1,75	2,21	2,28	2,36
Фонд сиғими, сўм	0,69	0,57	0,45	0,44	0,42
Моддий харажатлар, млрд.сўм	2004,3	2693,2	3099,9	3324,7	3660,9
Материал қайтими, тийин	1,53	1,47	1,66	1,68	1,73
Материал сиғим, тийин	0,65	0,68	0,60	0,59	0,56
Капитал қўйилмалар, млрд.сўм	1257,7	1796,8	2018,0	4192,3	5553,3
Капитал қайтими, сўм	2,44	2,21	2,55	1,33	1,14
Капитал сиғими, сўм	0,41	0,45	0,39	0,75	0,87

Бухоро вилоятида 2017 йилда меҳнат унумдорлиги 196,7 млрд. сўмга, фонд қайтимининг 2,36 млрд. сўмга ошиб, материал сиғимининг 0,56 фоизга камайиши вилоятда мавжуд ресурслар, яъни ички имкониятлардан самарали бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида рўй берган.

Саноат корхоналари самарадорлиги ошишининг ишловчилар даромади ўсишига таъсирини баҳолаш учун саноат корхоналари самарадорлигининг ишловчилар даромади билан кесишган эластиклик коэффицентини ҳисоблаш таклиф этилди. Мазкур коэффицент саноат корхоналарида самарадорлик ўзгаришининг ишловчилар даромади ўзгаришига таъсирининг сезгирлигини билдиради, у қуйидаги формула орқали аниқланди (2)¹⁴:

$$E_{REL} = \frac{\text{Ишловчилар даромадининг фоиз ўзгариши}}{\text{Саноат корхоналари самарадорлигининг фоиз ўзгариши}},$$

$$\text{ёки } E_{REL} = \frac{\Delta R / \bar{R} \cdot 100}{\Delta E_L / E_L \cdot 100}, \quad (2)$$

¹³ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бунда, ΔR -ишловчилар даромадининг ўзгариши; ΔE_L - саноат корхоналари самарадорлигининг ўзгариши; \bar{R} - ишловчилар даромадини ўртача миқдори; \bar{E}_L - саноат корхоналари самарадорлигини ўртача миқдори.

Агар $E_{RE_L} > 1$ бўлса, ишловчилар даромади ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги ошишидан юқори, $E_{RE_L} < 1$ бўлса, ишловчилар даромади ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги ошишидан паст, $E_{RE_L} = 1$ бўлса, ишловчилар даромади ўсиши корхоналар самарадорлиги ошишига тенг.

Мазкур коэффициент тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодаловчи эластиклик ҳисобланади, чунки корхоналар самарадорлиги ва ишловчилар даромади ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд. Уни ҳисоблаш натижалари 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

Бухоро вилоятида ишловчилар даромадининг саноат корхоналари самарадорлиги билан кесишган эластиклик коэффициенти¹⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Саноат корхоналарида ишловчиларнинг даромади (R), минг сўм	13910,4	16702,8	16887,6	18224,4	19093,2
Саноат корхоналарининг самарадорлиги (E_L), минг сўм	31996,2	37481,0	47797,1	52074,1	59183,3
Саноат корхоналарида ишловчиларнинг даромади ўзгариши (ΔR), минг сўм	1013,9	2792,4	185,0	1336,8	868,8
Саноат корхоналари самарадорлигининг ўзгариши, (ΔE_L), минг сўм	4842,4	5484,8	10316,1	17556,0	18658,8
Саноат корхоналарида ишловчиларнинг даромадини ўртача миқдори (\bar{R}), минг сўм	13403,4	15306,6	16795,2	17556,0	18658,8
Саноат корхоналари самарадорлигини ўртача миқдори, (\bar{E}_L), минг сўм	29575,0	34738,6	42639,0	49935,6	55628,7
Саноат корхоналари самарадорлигининг ишловчилар даромади билан кесишган эластиклик коэффициенти (E_{RE_L})	0,46	1,15	0,40	0,89	0,36

Бухоро вилоятида тадқиқот ўтказилган йилларнинг аксариятида кесишган эластиклик коэффициенти 1 дан кичик қийматни ифодалади, бу эса ишловчилар даромадининг ошиши саноат корхоналарининг самарадорлиги ўсишидан паст даражадалигини билдиради. Мазкур ҳолат вилоятда мавжуд ички имкониятлардан унумли фойдаланиш орқали саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида ишловчилар даромадларини кўпайтириш бўйича зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини белгилаб беради.

Диссертациянинг «Саноат тармоқларини ривожлантиришда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш йўналишлари» деб номланган

¹⁵ Бухоро вилояти статистика Бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

учинчи бобда ички имкониятлардан фойдаланиш орқали саноат тармоқларини ривожлантириш йўллари, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида ишловчилар турмуш даражаси ошишини баҳолашнинг услубий асослари ва инновацион ёндашувларни қўллаш ёрдамида ипакчилик тармоғини ривожлантириш йўналишлари ёритиб берилган.

Диссертацияда ипакчилик тармоғини тизимли ривожлантириш, хомашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини ошириш мақсадида «хомашё сифатини назорат қилиш тизими»ни жорий этиш таклиф қилинди. Хомашёнинг сифат кўрсаткичлари белгиланган стандартларга мос келса, у чиқариладиган маҳсулотлар сифати юқори бўлиши ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари яхшиланишини таъминлайди. Ипакчилик тармоғида «хомашё сифатини назорат қилиш тизими»ни жорий этиш асосида бизнес жараёнларини моделлаштиришда кенг қўлланиладиган SADT услубиёти такомиллаштирилди.

SADT таркибий таҳлил ва лойиҳалаш услубиёти¹⁶ кенг доирадаги тизимларни моделлаштиришда қўлланиб, бу услубиёт тизимга кирувчиларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг натижаларини аниқлашга асосланади. Мазкур услубиёт асосида ипакчилик тармоғида «Хомашё сифатини назорат қилувчи тизим»ни жорий қилиш таклиф этилди. Унинг доирасида «корхона - уй хўжаликлари ҳамкорлиги»ни йўлга қўйиш ва унда мотивация усулларидан фойдаланиш зарурлигини асослаб бериш мақсадида SADT услубиётининг моделига «уй хўжаликлари» блоки киритилди (4-расм). Бу орқали тармоқда хомашё таъминотида янги йўналишини киритиш таклифи асослаб берилди.



4-расм. Ипакчилик тармоғининг хомашё таъминотида SADT услубиёти¹⁷

Диссертация ишида саноат корхоналарининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ишловчилар турмуш даражаси ошишини баҳолаш мақсадида бир нечта жараёнларни ўз ичига олувчи функциялар ишлаб чиқилди. Мазкур жараёнларда кўплаб ўзгарувчиларнинг иштирок этиши ва 4 та

¹⁶ Марка Д., Мак Гоуэн К. Методология структурного анализа и проектирования.// Пер. с англ. – М.: Диалог-МИФИ. 2013. С.240.

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

йўналишда амалга оширилиши инобатга олиниб, умумий Y функция 4 та ички функциянинг йиғиндиси сифатида ўрганилди (3):

$$Y = y_1 + y_2 + y_3 + y_4, \quad (3)$$

бунда, Y - саноат корхоналарининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ишловчилар турмуш даражасини ошириш функцияси; y_1 – корхоналар самарадорлигининг ошиши функцияси; y_2 – ишловчилар даромадларининг ўсиши функцияси; y_3 – давлат оладиган самаранинг ўсиши функцияси; y_4 – ишловчилар турмуш даражасининг ошиши функцияси.

